



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 7 февраль, № 28 (7530)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



УГЛЕВОДОРОД ҚАЗИБ ОЛИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 февраль куни нефть-газ саноатидаги ишлар натижадорлиги, табиий газ ва суюқ углеводородлар қазиб олиш ҳажмини ошириш бўйича жорий йилги вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Нефть-газ саноати аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари учун энергия манбаи, қўлаб маҳсулотлар учун хом ашё етказиб берадиган муҳим соҳадир. Шу боис энергетика, нефть-газ, геология йўналишларида чуқур таркибий ислохотлар, рақобатбардошликни кучайтиришга қаратилган дастурлар амалга оширилмоқда. “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти бошқарув тизими такомиллаштирилди, унинг таркибда бўлган “Ўзтрансгаз” ва “Худудгаз-таъминот” акциядорлик жамиятлари алоҳида ташкилотлар сифатида қайта ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 ноябрдаги “Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан янги конларни аниқлаш, углеводород хом ашёси захираларини ривожлантиришни барча ташкилий-молиявий жиҳатлари белгилаб берилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида хорижий экспертларни нефть-газ соҳасидаги давлат корхоналарини бошқаришга жалб этиб, уларнинг самарадорлигини ошириш ва харажатларини мақбуллаштириш, қарз миқдорини камайтиришга эришиш лозимлигини таъкидлади. Янгидан тасдиқланган ҳукумат олдига бу борада устувор вазифалар қўйилди.

Йиғилишда нефть-газ соҳасида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган долзарб чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Яратилган шароитларга қарамаздан, тизимли муаммолар барҳам топмаётгани, бу бошқа тармоқлар ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидлаб ўтилди.

— Бир нарсани ҳаммамиз тушуниб олишимиз лозим. Биз соҳадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича ўтган уч йилда қўлгина чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этдик. Лекин натижаларни таҳ-

лил этадиган бўлсак, ҳали нефть-газ, электр энергиясининг барқарор таъминотида халқимиз, тадбиркорларимиз талабини тўла қаноатлантира олмаймиз. Шунинг учун, ҳар бир масалага чуқур эътибор қаратиб, янгича ёндашувлар асосида самарали иш тизимини ташкил этишимиз керак. Агар бу вазифаларни ўз вақтида амалга оширмасак, иқтисодиётимизда кўзлаган мақсадларимизга эриша олмаймиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Корхоналарни модернизация қилиш ишлари етарли эмаслиги, газ етказиб беришда йўқотиш кўпчилиги ҳамда узлишларга йўл қўйлаётгани қайд этилди.

Энергетика вазирлигига жорий йилда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига ёқилғи маҳсулотларини барқарор етказиб бериш учун табиий газ қазиб олишни 2019 йилдагига нисбатан 4 миллиард куб метрдан зиёд кўпайтириш вазифаси қўйилди. Ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бе-

риш оралиғидаги технологик сарф ва йўқотишларни камайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Нефть-газ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича “лойиҳа офиси”га илғор халқаро консалтинг компанияларини жалб қилиш, корхоналарда раҳбар ходимларнинг маошини фаолият самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларига (KPI) боғлаш зарурлиги таъкидланди. Соҳадаги барча корхоналарда коррупцияга қарши курашиш бўйича “комплаенс назорат” тизими жорий этилиши белгиланди.

“Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамиятига ҳар бир коннинг ҳолатини танқидий таҳлил қилиб, табиий газ қазиб чиқариш ҳажмини ошириш вазифаси қўйилди.

Аҳолининг суўлтирилган газга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида пропан-бутан аралашмасини ажратиб олиш қурилмасини барпо этиш ва модернизация қилиш бўйича 3 та лойиҳани якунлаш лозимлиги қайд этилди.

ЎзА.

Сенатор минбари

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ ҲАР БИР ОИЛА, ҲАР БИР ИНСОН ЎЗ ТУРМУШИДА ҲИС ЭТИШИ КЕРАК

Бугунги замоннинг шиддати ҳам, талаби ҳам ўзгача. Давр биздан оила институтини мустаҳкамлаш масалаларига чуқур илмий ёндашуви, муаммолар ечимида инновацион усуллари қўллаш, соҳада илмий-тадқиқот маассасалари ва давлат-нодавлат ташкилотлар билан яқин амалий ҳамкорликда иш олиб боришни талаб этмоқда.

Фақат шундагина низоли оилалар муаммоларини ҳал этиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оила мезонлари, “Соғлом оила — соғлом жамият” концептуал гоясини ҳаётга татбиқ этишимиз, энг муҳими, ташқаридан кириб келаётган таҳдидларнинг олдини олишимиз мумкин.

Шу маънода, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги фикрлари юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила қалбидан чуқур ўрин эгаллаб, барча бугундаги раҳбарлар, халқ вакиллари фукаролар



Халқ билан мулоқот

КИМКИ БИР КЎНГЛИ БУЗУҚНИНГ ХОТИРИН ШОД АЙЛАГАЙ...

Сирдарёлик хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида Сирдарёда уйма-уй юрилганда ёйишга нони йўқ, уйида тўшашга шолчаси йўқ, дори олишга пули йўқ, йиғлашга кўзида ёши йўқ аёллар борлиги аниқланиб, уларни ҳал этиш мақсадида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди.

Президентимиз топшириғига биноан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиков раҳбарлигида хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида тузилган Республика ишчи гуруҳи бугунги кунда сирдарёлик хотин-қизлар муаммоларини ўрганиб, мушкул аҳволда қолган оилалар ҳамда хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Даставвал ишчи гуруҳ томонидан Сирдарё туманидаги 38 та маҳаллада уйма-уй юриб, хотин-қиз-

ларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маиший шароитлари, уларни қийнаётган муаммолар ўрганилди. Очиқ мулоқотлар жараёнида мингдан зиёд муаммолар борлиги аниқланиб, уларни ҳал этиш мақсадида кенг қўламли тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, амалий тадбирлар доирасида ижтимоий ғимояга муҳтож ва кам таъминланган оилалардан бўлган хотин-қизларга зарурий ёрдамлар кўрсатилди, уй-жойга муҳтож аёлларга дастлабки тўлов учун банклар орқали кредит олишлари бўйича дуч келинаётган муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилди. Хонадонларидаги шароит ёмон аҳволга келиб қолган уч оилаларга уй-жойини таъмирлаш учун 5 миллион сўмдан жами 15 миллион сўм маблағ берилган бўлса, коммунал хизматлардан қарзи қўпайган яна уч оилаларга 2,5 миллион сўмдан жами 7,5 миллион сўм маблағ ажратилди.



Эътироф

АКМАЛ САИДОВ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ БЎЛДИ

Парламентлараро Иттифоқ (ПИ) — дунё мамлакатлари парламентларини сиёсий жиҳатдан бирлаштириб турувчи, жаҳондаги энг узоқ йиллик тарихга эга халқаро уюшма (1889 йилда ташкил топган) ҳисобланади.



берилган. Аъзоларининг сони 178 тани ташкил этади.

2020 йил 30 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик Акмал Саидов Парламентлараро Иттифоқ (ПИ)нинг вице-президенти лавозимига тайинланди. Бу мамлакатимиз парламенти ҳаётида муҳим воқеалик бўлди.

Муҳбиримиз бу ҳақда парламент кўйи палатаси депутатлари фикрлари билан қизиқди

■ **Кодир ЖўРАЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Парламентлараро Иттифоқ парламент мулоқоти ва ҳамкорлиги асосида тинчликни, демократияни ва барқарор ривожланишни мустаҳкамлаш учун қўмаклашишга интилаётганини инobatга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2017 йил 13 октябрдан эътиборан глобал парламентлар ҳамжамиятида Парламентлараро Иттифоқнинг тенг ҳуқуқли ва тўлақонли аъзоси сифатида ўз иштирокини тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди.

2019 йил октябрда тарихда илк бор Ўзбекистондан тажрибали депутат ва дипломат, етук олим, академик Акмал Саидов Парламентлараро Иттифоқнинг асосий органларидан бири — Ижроия қўмита аъзоси этиб сайланганди.

Ўшанда ушбу янгилик жамоатчилик томонидан Ўзбекистонда парламентаризмни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг халқаро эътирофи сифатида юксак баҳоланган эди.

Қайд этиш жоки, ушбу нуфузли халқаро парламент уюшмасининг бош мақсади тинчлик, демократик тараққиёт ва ҳамкорлик йўлида дунё парламентларининг сай-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда мувофиқлаштиришга қаратилган.



Муносабат

ТАҚДИРЛАРНИ ЯНГИ ҲАЁТ САРИ ЎЗГАРТИРГАН МЕҲР-МУРУВВАТ

Президентимизнинг афв этишга оид Фармони кўплаб оилаларга қувонч олиб кирди.

Одамийлик, бағрикенглик, кечиримли бўлишнинг энг олий намунаси — афв этиш институтини қўллаш юртимизда кейинги йилларда яхши анъанага айланиб борапти. Бу бугунги сиёсатимиз нақадар инсонпарвар, халқимизга хос бетакрор фазилатларга уйғун эканининг яққол ифодаси сифатида намоён бўлмоқда.

Президентимиз имзолаган навбатдаги “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармонга мувофиқ, Конституциямизнинг 93-моддаси 23-бандига асосан, билиб-билмай жиноят содир этган, бугунги кунда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ҳамда тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган 58 нафар фуқаро афв этилди.



«Халқ сўзи» учун эксклюзив



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг куни кеча имзолаган “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармони кенг

Даниэль РОЗЕНБЛЮМ:

«Биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган ислохотларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз»

жамоатчилик, дипломатик корпус вакиллари томонидан алоҳида воқелик сифатида тилга олинмоқда.

Шу хусусда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Даниэль Розенблум “Халқ сўзи” учун куйидаги фикр-мулоҳазаларни билдирди:

— Аввало, айтишни истардимки, АҚШ Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини доимо қўллаб-қувватлашда қатъийдир.



УЧ ПОҒОНАЛИ ТРАНСПОРТ ЕЧИМИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС «ТАШРИФ ҚОҒОЗИ»ГА АЙЛАНАДИ

Бунёдкорлик

Айни пайтда Тошкент шаҳрининг энг катта чорраҳаларидан бири — Оҳангарон ва Паркент ҳамда Махтумқули ва Шарқий аэропорт кўчалари кесилишмасида уларни бир-бири билан боғловчи уч қаватли кўприк қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Пойтахтимизнинг ўзига хос “ташриф қоғози”га айланиши айтилаётган ушбу объект битишнинг кўпчилик катта қизиқиш билан кутяпти. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор.



ТОШКЕНТДАГИ 3 ҚАВАТЛИ КЎПРИК ҚУРИЛИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

ТАҚДИРЛАРНИ ЯНГИ ҲАЁТ САРИ ЎЗГАРТИРГАН МЕҲР-МУРУВВАТ

Президентимизнинг афв этишга оид Фармони кўплаб оилаларга қувонч олиб кирди.

Даниэль РОЗЕНБЛЮМ:
«Биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган ислохотларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз»

Бинобарин, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳасини янгилаш ҳамда ривожлантириш бўйича танланган ислохот йўлини қўллаб-қувватлайди. Хусусан, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш жараёнларини яхшилаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳукуматимиз томонидан эътироф этилмоқда. Яқинда Тошкентда расмий таширф билан келган АҚШ Давлат қотиби Майкл Помпео ҳам бунга алоҳида тўхталиб ўтди.

«Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари масалалари борасидаги юксалиш мактовга сазовор. Бу фуқаролик жамияти, мажбурий меҳнат муаммоларини ҳал этиш ва ОАВга чекловларни заифлаштириш учун майдонни кенгайтиради. Ўз навбатида, АҚШ Ўзбекистонда эътикод эркинлиги соҳасидаги юксалишни қўллаб-қувватлайди», деди М. Помпео журналистлар билан ўтказган брифингда.

Президент Шавкат Мирзиёев билан бўлиб ўтган учрашувда фуқаролик жамияти ривожини қўллаб-қувватлаш, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилингани ҳам шундан далолат беради.

Элчи сифатида Ўзбекистонда рўй бераётган ҳар бир ўзгаришни диққат билан кузатиб бораман. Масалан, кўни кеча Ўзбекистон раҳбари томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўли-

Афв этиш бўйича охириги ҳужжатнинг муҳим жиҳати шундаки, Президентнинг бу борадаги саяё-ҳаракатлари Ўзбекистонда қамоқ тизими, суд ва адлия соҳаларини ислоҳ этиш, либераллаштиришга қаратилган. Энг асосий ва яхши жиҳати, адолат жаҳбаларида, ҳақиқатан ҳам, сезиларли ўзгаришлар рўй беришмоқда. Бу жараёнларга эса биз ҳам жалб этилганмиз. Хусусан, АҚШ Ўзбекистонда суд тизими, судлар фаолиятини ислоҳ этишга техник кўмак бериб келаётти. Икки мамлакат ўртасидаги бу борадаги ўзаро ҳамкорликни муҳим қадам, деб баҳолайман.

АҚШ Ўзбекистонда ислохотларни чуқурлаштиришга ўз ҳиссасини қўшаётганини муҳим, деб билади. Мисол учун, ўтган йил қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, таълим, инглиз тилини ўргатиш, кичик бизнес ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлашга қарийб 100 миллион доллар ажратди.

Умуман олганда, биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш борасида амалга ошираётган ислохотларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

«Халқ сўзи».

Бу афв этилганларнинг тақдирида муҳим бурилиш ясалди, шунча тақдир ўнгланиши учун имкон берилди, шунча оиланинг бағри бут бўлди, дегандир. Ушбу Фармон барча давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, қолаверса, халқимиз томонидан қатта мамнуният билан кутиб олинди.

■ Адхам ШОДМОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия раиси:
— Сўнгги уч йилда нотўғри йўлга кириб қолган ва қилган ишидан пушаймон бўлган юртдошларимизга Президентимиз томонидан юксак ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Чунончи, кўни кеча давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган ҳужжат ҳам чинакам инсонпарварлик акти саналади.

Албатта, оиласи бағрига қайтган фуқароларимизнинг ижтимоий адаптация масаласи ҳам асосий эътиборимизда бўлиб турибди. Уларнинг жамиятга мослашиши бўйича кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Аввало, уларни иш билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Керак бўлса, уй-жой масалаларини ҳам ҳал қилишга кўмак бериляпти. Бундан ташқари, тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилганларга кенг шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

■ Камолиддин ТОЛИБОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси:
— Афв ҳақидаги Фармон — давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган юридик ҳужжат. Унинг тайёрланиши ҳам бутун бошли жараёни ўз ичига олади: маҳкумларнинг «жиноий иш»лари ортда юзлаб инсонларнинг тақдири ётганини ҳис қилиш, барча тафсилотларнинг батафсил ўрганилиши, шундан кейин ҳужжат имзоланиши ўз-ўзидан кечган эмас.

Бу ғалги ва ундан аввалги фармонлар ҳам Конституциямизга бевоисита боғлиқ бўлиб, унинг амалдаги ижроси таъминланаётганидан, қолаверса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

■ Муҳаммадбобур ЙЎЛДОШЕВ, Маҳкам ота масжиди имом-хатиби (Тошкент шаҳри):
— Инсон ҳаётида қатогат қўл урса ёки қатлами-кичмики, гуноҳ қилиб қўйса, уни ўзи англаб етиб, таъба қилса, бундай инсонларнинг кечиримини қабул қилиш улкан инсонпарварлик намунаси ҳисобланади. Юртимизда кейинги вақтларда тўғри йўлга қайтишни ният қилган фуқароларимиз Президентимиз томонидан афв этилаётганлиги қатта тарихий воқеадир.

Дарҳақиқат, кечирим сўраб, тўғри йўлга қирганларнинг оиласига қайтиш энг қатта бахтдир. Чунки уларни уйда интизор бўлиб кутиб турган ота-онаси, оиласи, фарзандлари бор. Ўйлаймизки, афв этилган юртдошларимиз бундан кейин давлатга, жамиятга фойдаси тегадиган инсонлар бўлишад.

■ Фарҳод БОКИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси:
— Мамлакатимизда афв этиш институтини мутлақо янги институт сифатида шаклланди. Афв этилган ҳар бир фуқарога нисбатан индивидуал нуқтаи назардан ёндашиш, жиноятларнинг

келиб чиқиш сабабларига ҳақ кўриб чиқиш ва ўрганиш, унинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига эътибор берган ҳолда афв этиш жараёни амалга ошири-лаётгани халқаро майдонда юксак эътироф этилмоқда. Инсонпарварликка йўғрилган ушбу амалиёт бизнинг барча қонун-

чилигимизга тўла мос келаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Негаки, бугунги Ўзбекистон — демократиянинг янги босқичида. Бу эса янги қадамларни қўяётган давлат сифатидаги ислохотларимиз орқага қайтмайдиган ва муқаррар тус олганидан дарак беради.

■ Абдулло АСЛОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:
— Фармон билан ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган фуқаролар афв этилди. Буни кенг жамоатчилик, сайловчиларимиз қизгин кутиб олди. Айни чоғда отаси, онаси ёки фарзандларини интизор бўлиб кутаётган оилаларни қувонтирди.

Ҳужжат ижроси юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Эсласак, авваллари жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларнинг ишга жойлашиши, ижтимоий ҳаётга мослашиши жуда қийин эди. Бугун эса афв этилган шахслар нафақат оиласи ва ақинлари бағрига қайтариляпти, шу билан бирга, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, тижорат банкларида кредит олиб, ўз бизнесларини йўлга қўйишлари, умуман айтганда, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун уларга кўмак берилмоқда. Албатта, бу юртимизда инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари доимий муҳофазатда экани, айниқса, ҳаётда билиб-билимай адашс, нотўғри йўлга кириб қолган юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш эътибордалигидан далолат беради.

Биз, депутатлар ушбу Фармон ижросини таъминлашда фаол бўлишимиз, жойларда унинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишимиз мақсада мувофиқ.

раҳбари 200 нафардан ортиқ аёлларимизни афв этдилар. Бунинг аҳамияти ғоятда қатта.

Қанчадан-қанча аёлларимиз ўз оиласи, фарзандлари ёнига қайтди. Булар энди фарзандлари тақдири билан қизиқади, тарбияси билан шуғулланади. Негаки, қайсики оилада она бўлмаса, ўша оиладаги фарзандлар ўзларини камситилган ҳис этади, тарбияси ҳам бузилиши мумкин. Шу жиҳатдан, юртимизда инсонпарварлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик нақадар юксак эканлигини мана шу Фармон ҳам яққол кўрсатиб турибди.

✓

Фармонга мувофиқ, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган **58 нафар** фуқаро афв этилди.

✓

Афв этилган шахсларнинг **41 нафари** жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади.

✓

3 нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, умуман, **44 нафар** шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда.

✓

Шунингдек, **14 нафар** шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

✓

Афв этилганларнинг **2 нафарини** аёллар ташкил этади.

■ Гулнора МАЪРУФОВА, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари:
— Афв этишга оид ҳужжат билан бир қатор аёлларимиз ҳам озодликка чиқарилди. Бу нафақат афв этилганлар, балки уларнинг оиласи, яқинларига ҳам меҳр-оқибат кириб келди, дегани.

Фармоннинг яна бир аҳамияти шундаки, аввало, ана шу оиланинг қадр-қиммати, ҳақ-хуқуқлари ҳимоя қилинаётганини ҳам кўрсатади. Мана, ўтган қатор йиллар давомида давлатимиз

■ Нуриддин ОСТОНАКУЛОВ, “Нуроний” жамғармаси Термиз шаҳар бўлими раҳбари:
— Жиноятчини жазолаш қонун талаби, буни инкор этиб бўлмайди. Ҳар ким ўз қилмишининг хато эканини англаса, у, албатта, тузалиш йўлини танлайди. Йиқилганни суяш, унга тўғри йўл кўрсатиш

— инсонийликнинг гўзал намунасидир. Юртобшамизнинг бу ғалги афв этиш тўғрисидаги Фармони билан жазо муддатини ўтаётган бир гуруҳ фуқаролар оиласи бағрига қайтарилди. Эътиборлиси, ушбу ҳужжат ижроси юзасидан афв этилганларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳ-

нат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун кўмак бериш алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Демакки, ана шу вазифаларнинг ижроси тўлақонли бажарилиши биз, жамоатчилик вакилларининг ҳам олдидаги навбатдаги муҳим масаладир.

■ Муҳсин БОЙКЎЗИЕВ (Фаргона вилояти):
— Билиб-билимай қилган қилмишларимдан жуда пушаймонман. Президентимиз бизга шунчалик ишонч билдириб, афв этдилар. Энди юртимиз келажаги учун ўз ҳиссамни қўйишга ваъда бераман.

■ Жасур АМИНҚУЛОВ (Сурхондарё вилояти):
— Муддатидан аввал оилам бағрига қайтдим. Мени афв этган Президентимиз ва халқимиздан жудаям миннатдорман. Бу хатони

■ Исоқ СОЛИЕВ (Наманган вилояти):
— Инсон ҳаёти тасодиқларга тўла экан. Баъзи бировларнинг кулқуси билан таққиланган оқимдаги шахслар доирасига тушиб қолганим учун ишим судда қўрилиб, етти йил муддатга озодликдан маҳрум этилдим. Жазони ўташ масканидаги дастлабки кунлардаёқ озодликнинг нақадар қимматли неъмат эканлигини англаганимда, афвуски, кеч бўлганди. Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан кўплар қатори мен

ҳам афв этилдим. Қонунга хилоф ишларимдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтганлигим учун муддатидан аввал озодликка чиқарилди. Кеча тўғрилиб ўсган уйимга қайтдим. Кекса отам, меннинг дардимда мункайиб қолган онажонимнинг ўқсик кўнглиларига нур кирди. Энди бутунлай яхши томонга ўзгараман. Қўлимда ҳунарим бор. Чеварчилик ишимни давом эттиришни ният қилдим. Мени кечирган бағрикенг халқимиз, Президентимиз ишончини, албатта, оқлайман.

■ Бегим АБДУЛЛАЕВА (Тошкент вилояти):
— Бугун бағрим бутун бўлди. Кўнглим чироғи чарақлади, ёришди. Бир пайтлар ўғлим хато қилиб, тўғри йўлдан адашиб, озодликдан маҳрум этилганди. У кунлар ортда қолди. Энди у ёнимда бўладиган бўлди. Сабаби бир ўзим ёлғиз қолиб кетган эдим. Телевидение орқали кўплар афв этилаётганини кўриб, меннинг ўғлим ҳам афв этилармикан, деган ҳаёлларда юрардим. Очиги, фарзандимни ҳам кечирганини кутгандим, бунга ишонган эдим. Шукрки, мана шу кунлар келди. Бунинг учун Президентимиздан миннатдормиз.

«Халқ сўзи».

УЧ ПОҒОНАЛИ ТРАНСПОРТ ЕЧИМИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС
«ТАШРИФ ҚОҒОЗИ»ГА
АЙЛАНАДИ

Гап шундаки, қурилиши 2018 йилнинг май ойида бошланган мазкур лойиҳа мамлакатимиздаги дастлабки уч поғонали транспорт ечими ҳисобланади. Яна бир эътиборли томони шуки, унинг атрофида бирорта ҳам светофор бўлмади. Автомобиллар барча йўналишда тўхтовсиз ҳаракатни давом эттириши тўғрисида тирбандликларнинг олди олинди.

Ушбу транспорт ечими “Кўприкқурилишлойиҳа” унитар корхонаси ҳамда “Боштранслейиҳа” акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, Оҳангарон ва Паркент кўчалари умумий узунлиги 502 метр бўлган туннель услубидаги йўлўтказгич билан боғланади. Туннелнинг 80 метри ёпиқ бўлиб, кенглиги 26,7 метрни ташкил этади. Кўприк ости баландлиги эса 5,5 метр.

Лойиҳанинг иккинчи поғонасида ер сатҳидан 1 метр баландликда қурилган 2 та йўлўтказгич барпо этилиши билан умумий диаметри 329,2 метрли халқасимон йўл ҳаракати ташкил қилинди. Учинчи поғонаси эса Махтумқули ва Шарқий аэропорт кўчаларини боғловчи умумий узунлиги 593 метр, кенглиги 26 метр бўлган йўл ўтказгичдир. Унинг 411 метри эстакада, 182 метри эса таянч деворли



қисмдан иборат. Кўприк қурилиш ишлари “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибидagi “Кўприкқурилиш трести” унитар корхонаси томонидан олиб борилмоқда. Бугунги кунгача бунёдкорлик юмушларининг 90 фоизидан ортиғи бажарилди. Айни пайтда учала поғонада ҳам бетон ётқизиш ишлари тугатилган бўлиб, ер ости ва эстакада йўналишининг икки томонига пиедестал йўлақлари қурилди ва тўсқилар ўрнатилди. Шунингдек, электр энергияси тармоқлари ҳам тортилиб, ёритиш тизими ускуналарини ўрнатишга тайёргарлик жараёни бошлаб юборилди.

— Сўнгги уч йил давомида пойтахтда транспорт муаммоларини ечиш, автомобильларнинг мунтазам ҳаракатини ташкил этиш, янги йўналишдаги йўллар, кўприк ва йўлўтказгичларни барпо қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди “Кўприкқурилиш трести” унитар корхонасининг 13-сонли кўприк қурилиш отряди иш бошқарувчиси Жамшид Тўлаганов. — Хусусан, айни пайтда бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган ушбу чорраҳада ҳам автомобиллар ҳаракати тизим бўлиб, ҳайдовчи ва йўловчиларга кўплаб ноқулайликлар туғдираётган

Рустам ХАЙДАРОВ.
Ҳасан ПАЙДОВЕВ
(«Халқ сўзи») олан суратлар.

ЭЪЛОН

Хўрматли акциядорлар!

sqv

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Кенгаши 2020 йилнинг 10 март куни соат 11.00 да, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уйда жойлашган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бош офисининг мажлислар залида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби:

I

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Кенгаши айрим аъзоларининг ваколатини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида.

II

Таркибиди ваколати тугатилган аъзолар ўрнига янги аъзоларни сайлаш.

III

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорлик тижорат банки Кенгаши тўғрисидаги низоми янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.

IV

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ акциядорлик тижорат банки уставини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.

V

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Кенгаши таркибидидаги мустақил аъзоларнинг мукофот ва (ёки) компенсация харажатлар миқдорини белгилаш тўғрисида.

VI

Банкнинг аффилиланган шахси бўлиб тузиладиган йирик битимни тасдиқлаш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси банк секторининг молиявий барқарорлигини оширишга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ кредит портфелидан 11,9 трлн. сўмлик кредитларни Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ўтказиб бериш бўйича битимни тасдиқлаш масаласи.

● Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабардор қилиш учун реестр шакллантирилган сана: 2020 йил 31 январь.

● Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри тузиладиган сана: 2020 йил 4 март.

● Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишга оид ҳужжатлар билан Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уйда танишишлари мумкин (банкнинг электрон почта манзили: info@uzpsb.uz, корпоратив веб-сайти www.uzpsb.uz).

Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишда қатнашиш учун: — акциядор (жисмоний шахс) шахсини тасдиқловчи ҳужжат — паспорт билан; — акциядор вакили — нотариал тасдиқланган ишончнома ва паспорт билан; — юридик шахс акциядор (корхона раҳбарлари) шахсини тасдиқловчи ҳужжат — паспорт ёки гувоҳнома, лавозимга тайинланганлик тўғрисидаги буйруқ нусхаси билан; — юридик шахснинг акциядор вакили ишончнома (корхонанинг фирма бланкасида, муҳрланган, шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки гувоҳнома) билан қилиши лозим.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2020 йил 10 март, соат 10.00 да бошланиб 11.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун телефонлар: 78-120-45-00 IP:13-30; 94-711-13-75.

Т.В.



Бундан беш аср муқаддам ҳазрат Алишер Навоий:

«Турк назмида чу мен тортиб алам,

Айладим ул мамлакатни якқалам», деб ёзган эди. Яъни, ул зот она тили байроғини баланд кўтариб, бутун эл-улусни, юртларни шу байроқ остида бирлаштирдим, деб ифтихор қилган.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

■ Даъват

То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас...

*То хирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

Ҳазрат Навоий ушбу мисралари орқали жамиятда хирсу ҳавас, нафсу ҳаво, зулму ситам йўқ бўлмас экан, эл шод, мамлакат обод бўлмаслигини айтди.

Дарҳақиқат, хирсу ҳавас кучайган жойда маънавий таназзул, тийиксизлик, нопоклик, нафсу ҳавога эрк берилган муҳитда ўриллик, тамагирлик, порахўрлик, коррупция, зулму ситам ортган жамиятда адолатсизлик, ҳақсизлик авж олади.

Шу ўринда Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатлами, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзоси, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаслигини

таъкидлагани бежиз эмас. Зеро, инсон хирсу ҳавас, нафсу ҳаво, зулму ситамдан тийилиш учун, аввало, ҳалол ва пок бўлиши керак.

Бугун жамиятимизга ўзини англаган, ҳалол, илм-маърифатли инсонлар сув билан ҳаводек зарур. Уларнинг тарбияси ва камолоти билан шуғулланиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Халқимизнинг асрлар давомида тўллаган илмий-маърифий мероси бизга ана шу жараёни ҳеч қийналмасдан амалга оширишимизга ёрдам беради, албатта. Шубҳасиз, уларнинг катта бир қисmini биз улуг мутафаккир Алишер Навоий асарларидан оламиз.

Суюн КАРИМОВ,
Самарқанд давлат университети профессори.

■ Ибрат

«Одами эрсанг...»

Ҳазрат Навоийнинг “Одами эрсанг демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами”, деган икки мисрасининг ўзи инсон кайфиятини яхши томонга ўзгартириб юборди, ундаги гўзал мазмун ҳар биримизни эзгуликка ундайди.

Улуг мутафаккирнинг ҳар бир сатрида катта ҳикмат, бекиёс сеҳр бор. Жумладан, “Мажолис ун-нафоис” асарида маҳалланинг одамлар ҳаётидаги ўрни ҳақида гапирар экан, маҳалладошлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, тенглик, аҳиллик, биродарлиқнинг ролига алоҳида эътибор беради ва буларни қадрлаш лозимлигини ўқтиради. Буюк мутафаккир “Хайрат ул-аббор” асарида маҳаллага “шаҳар ичидаги шаҳарча”, деган таърифи беради ва Ҳирот шаҳрини кичик шаҳарчалардан ташкил топган, дейди. Навоий маҳалла мисолида инсонлардаги дўстлик,

мехр-оқибатни тараннум этади.

Алишер Навоий Ҳиротнинг Мирғани маҳалласида яшаган. У давлат арбоби, буюк шоир бўлишига қарамай, доимо оддий одамлар ичида бўлган, зарур бўлса, камбағал оидаларга ёрдам берган. Ўзи яшаган маҳаллага сув чиқариб, унинг ободлаштирилишига бош-қош бўлган.

Ҳазрат Навоий саховатли инсонларни ана шундай савобли ишларга ундаган. Бу борада барчага ибрат кўрсатган.

Эркин ТУРСУНОВ,
меҳнат фаври,
Юнусобод тумани

“Ҳайрат айлар тилни гунгу лол ҳам”

Алишер Навоий ғазалларида халқпарварлик, ватанпарварлик ва халқона донишмандликка асосланган ижод намуналари кўп. Бугун бутун дунё улуг бобомиз асарларини ўрганмоқда. Олам, Одам ва Ишқ ҳақидаги сермазмун байтлари даврлар, замонлар ўзгаргани билан китобхонлар қалбига кириб бораверади.

■ Бир ғазал шарҳи

Навоийнинг “Менмудурменким...” мисраси билан бошланувчи ғазалида ҳам висол онлари ҳаёт йўлини мунаввар этувчи умид чирогининг сўнасмаслиги, ирода синмаслиги учун энг муҳим лаҳзалари тасвирланган. Фироқ зулматидан чиқиб, висол бахтига мушарраф бўлган ошиқ тўсатдан бахтли кимсадек саросимага тушиб, ишонқирамай қолганини шоир чиройли лутф билан шундай ифода этган:

*Менмудурменким сенинг васлинг
муассардур манга,
Бахти гумрахдин қачон бу қисса
бовардур манга?!*

Дийдор ва висолдан ошиқнинг бунчалик ҳаяжонга тушиши сабабсиз эмас. Чунки у ҳижрон айёмида “Бўлмаса ишқ, икки ҳаҷон бўлмасун, Икки ҳаҷон демаки, жон бўлмасун” ақидаси шунчаки гап эмас, балки ҳаётий маслакчилигини

ўз шахсида исботлаган, бунга иқдор келтирган: *Ҳақ тануктурким, тириклиқдин манга сенсен мурод,*

Йўқса оламнинг йўқи-бори

Ҳар бир ошиқнинг энг улуг орзуси висолга етишмоқ. Бу йўлда чеккан машаққатлари натижасида бутун оламнинг бор ё йўқлиги аҳамиятсиз бўлиб, яшашдан муддао ёри азиз дийдори эканига Худонинг ўзи шохидлиги ишқ йўлидаги катта риёзат ва синовлар эвазигагина дийдорга етишмоқ мумкинлигини аңлатади. Учинчи байтдаги кўнгилга қилинган мурожаатдан ҳам шу маъно янада ёрқинроқ аңғашилади:

Эй кўнгул, ғаввоси баҳри

Гар насиб эмди ўшул ўқибза

гавҳардур манга.

Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида келтирилишича, қизил шаробга бодом ва шакар қўшиб истеъмол қилиш юракка қувват беради. Хумор (бош оғриғи)ни бартараф қилади. Тиббий тавсиядан шеър яратиш маҳоратини қўйидаги байтда кўрамиз:

Не учун базми висол ичинда

Кўзию оғзи бугун бодому

пайкардур манга.

Висол базмида хуморсиз бода инган ошиққа энди осмондаги ою қуёш ҳам, боддаги сарву суман ҳам керак эмас. Айрилиқ давронида қуёш ва ой ёрнинг чехрасини, сарву суман тик қомати ва бурама сочини эслатган бўлса, висол чоғида буларга ҳоҳат ҳам қолмайди. Ошиқ ёрнинг чехрасида азиз умрини, борлиғида жаннат боғининг роҳатини топади:

Ою хуришининг йиғ,

Эй чархи гардунким, бу дам

Ҳамдам ул ойчехралик хуришид

Сарвини ўртаб, суманни елга бер, эй богбон,

Ким, бугун ҳамсўхбат ул сарви

суманбардур манга.

Кейинги байтда Навоий маҳбубага нисбатан “шабистон меҳри” (кечанинг қуёши) иборасини қўллайди. Мазкур ибора “Лисон ут-тайр” дostonидаги бир ҳикоятни ёдга солади. Ҳазалнинг мазкур байти ҳам ҳикоятдаги ошиқ йигитнинг

рақиб шохини мот қилиш учун курашадди. Аммо ўйин тугаши билан ҳар икки устод шахмат доналари битта халтага солинади. Энди сатҳ устидаги тартиб, низоом бузилади. Халтада шох пиёданнинг тағига тушиб қолади.

*Чун харита ичра боғланди бари,
Шоҳ кўйидур ё пиёда юқори,* —
дея хулоса ясайди ҳазрат Навоий.

Албатта, бу билан биз буюк ёзувчи ижодини камситиш ниятида эмасмиз. Фақат улуг Навоийнинг тафаккур қаноти, ҳаёл оти ҳаҷоннинг энг буюк адилблари забт этган ҳақиқат манзилларига улардан аввалроқ етиб борганини эътироф этмоқчимиз, ҳоло.

Рустам ЖАББОРОВ,
тадқиқотчи.

аҳволига мос келади, деган фикрдамиз:

Кўрқарам хирмон саҳобин

ёлмағай фаҳм этса чарх

Ким, шабистон меҳри шамъидин

мунаввардур манга.

Навоий ҳайрат водийсига таъриф бераркан, бу мақомдаги солиқ тили лол, ақлу ҳушдан беғона бўлиб, замон ва маконни аңламай, аслида кимга ва нега ошиқ бўлганини билолмай, ҳайрон ва саргардон бўлишини айтиб ўтади:

Ҳайрат айлар тилни гунгу лол ҳам,

Ақл зойил, ҳушни помол ҳам.

Кечау кундузга бокса ҳар неча,

Онгламас кундузмудур ёҳуд кеча...

Мақтаъда Навоий ана шундай ҳайрат ва тааж-жуб оҳанги билан ғазалга якун ясаркан, унга ёрнинг висоли муяссар бўлганми ёки олам унинг изми ихтиёрига ўтганини, билолмай қолганини айтиди. Зотан, оламдан муддао бўлган ёр ва тирикликнинг муродига айланган дийдор муяссар бўлгандан сўнг олам муродига етган кишиники бўлур:

Эй Навоий, ҳеч билмонким

топибмен васлини,

Ё магарким жумлайи олам

мусаххардур манга.

Олимжон ДАВЛАТОВ,
навоийшунос.

Алишер Навоий улуг мутафаккир, буюк сўз санъаткори бўлиш билан бирга, оддий инсон ҳам эди. У ҳам бахтли дамларида хурсанд, ғам-андуҳли кунларида ботиний бир ҳаяжон, руҳий изтироблар исканжасида яшаган.

Шоирнинг бевосита Аллоҳга илтижо тарзида битилган “Муножот”, шунингдек, “Вақфия”, умри сўнгига ёзган “Маҳбуб ул-қулуб” асарларидан унинг қалбини ўртаган ўқинчлар ойдинлашади.

Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Фаниева Алишер Навоийнинг “Муножот” асари ҳақидаги мақоласида мутафаккирнинг ҳажга бориш ва эркин ижод қилишдек икки буюк орзу-истаги бўлганини ёзади.

Маълумки, ҳазрат Навоий умрининг охириларида бирмунча йиллар аввал юраги тубидан ўрин олган ҳаж сафари иштиёқи яна оловланади. У 1499-1500 йиллар давомида бир неча марта Ҳусайн Бойқародан ушбу улуг сафарга изн сўрайди. Ҳар гал султон аввалига ижозат беради, лекин дарҳол ўзи шахсан шоир ҳузурига ташриф буюриб ёҳуд энг нозик дўстларни орага қўйиб, шоирни аҳдидан қайтаришга муваффақ бўлар эди. Мутафаккир “Вақфия” асарида “икки орзу риштасидан ўзгаким, гириҳи кўнглум пардасидин ечилмади ва икки мурод ғунчасидин ўзгаким, туғуни жоним гулшанидин очилмади”, деб ёзишининг боиси шунда.

“Маҳбуб ул-қулуб” асарида “Давр бевафолари жулдиндин дод ва даҳр беҳаёлари зулмидин фиғону фарёд”, деб ёзганидан улуг ижодкорни замона тескарчилиги, давр кайрафторлиги, зулм ва беҳаёлик изтиробга солганини аңлаш мумкин.

“Муножот” — шоирнинг ҳаёти охирида ҳам эътиқоди мустаҳкам, имони комил, ижодда ғоявий ниятлари юксак, ҳаёти ва орзу-умидлари пок бўлганига далилдир. Ҳар бир инсонни маънавий камолотга, эътиқодий устуворликка, ўзгилни қадрлаш ва уни муҳофаза этишга қорлашадан мазкур асарни буюк даҳонинг келажакка қаратилган дил сўзлари сифатида қабул қилиш мумкин.

«Халқ сўзи».

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибхона 71-233-10-28; Ўқловлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланиди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.55 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси